



halol.uz

Салафлар аёлларининг сўзи

Имом Газзолийнинг “Ихё” китобида келтирилишича, салафи солихларнинг аёллари эрлари тирикчилик учун чикиб кетаётсалар уларга насиҳат килиб айтар эдилар: “Бизнинг хаккимизда Аллоҳдан кўркинглар ва харом касбдан бизни таомлантирманглар. Биз очлик ва заرارга сабр киласиз, лекин дўзахга сабр кила олмаймиз”. Улуг тобеин Мухаммад ибн Сирийн бирор киши билан хайрлашса унга: “Аллоҳдан кўрк ва халолдан сенга такдир килинганини изла. Агар сен уни харомдан олсанг, сенга ўлчаб кўйилганидан ортигига эга бўлмайсан”, дер эди. Хоғиз Ибн Хажар роҳимахуллоҳ “Тахзибут тахзиб” асарида келтирилишича, зуҳд ва вараъ шайхи Бишр Хоғий шундай деган: “Халол ейдиган ўн киши бор эди. Уларнинг коринларига гарчи тупрок ютсалар-да, ундан (халолдан) бошкаси кирмасди. Фузайл ибн Иёз улардандир”.